

«НАВРЎЗ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» АЖ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ
БАЁНИ

2019 йил 22-июл соат 15 -⁰⁰

Овоз берувчи акциялар сони: 651 063

Акциядорларнинг 2018 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Буюк Ипак Йули Ва Гулсанам кучалари кесишуви манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2019 йил 22-июл куни ўтказилди. Йиғилишда 626 969 овозга эга 9 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 96,2 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Д.И.Ганиев – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи уринбосари

Т.К.Камолов - “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахассис

Жамият ижроия органи

Реестр бўйича акциядорлар сони 496 та. 651063 овоз. Бошқа тегишли мутасадди ходимлар, жами акциядор 9 та акциядор, 626969 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 96,2 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳар Хокимиятига тегишли 96,28 % акцияларнинг ишончли вакили этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи Д.И.Ганиев юборилган.

Йиғилишда раисликни Д.И.Ганиев олиб борди.

Д.И.Ганиев йиғилиш ўтказиш учун кворум 96,2 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, З.Т.Бердиева номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, Д.И.Ганиев йиғилишга санок комиссиясини сайлаб олиш лозимлиги ҳақида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган Ахунова.М.Х, Собиров.М.Л, С.К.Абдужамиловаларини овозга қўйди.

Санок комиссияси юкоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Д.И.Ганиев умумий йиғилиш кун тартибига куйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.

4. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.

6. Жамиятнинг 2019 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси»ни тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг директорини сайлаш.

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва қайта тасдиқлаш.

12. Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.

13. Жамиятнинг «Умумий йиғилиши ҳақида»ги Низомга ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.

14. Жамиятнинг «Кузатув кенгаши ҳақида»ги Низомга ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.

15. Жамиятнинг 2019 йили фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

Йиғилиш раиси Д.И.Ганиев кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул килинди.

Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент қуйидагича бўлиши ҳақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 20 минут, қолган масалаларга 5-10 минут, муҳокамада сўзга чикувчилар учун 3-5 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан мажлис раиси Д.И.Ганиев сўзни жамият директори О.У.Мустаевга берди.

О.У.Мустаев сўзга чиқиб, «Наврўз дехкон бозори» АЖ нинг 2018 йил молиявий– хўжалик фаолияти якуни бўйича қуйидагиларни маълум килди:

«Наврўз дехкон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2018 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2018 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар қисмининг барча бандларини бажарди.

Шундан;

Даромадлар	режа	амалда	фарқи
Жой хақи	1 432 471,0	1 640 742,9	208 271,9
Хизмат хақи	289 781,5	307 836,9	18 055,4
Автотухташ даромади	124 729,5	131 655,8	6 926,3
СХК товарайланиши	0,0	0,0	0,0
СХК даромади	0,0	0,0	0,0
Ижара хақи	376 401,0	391 155,3	14 754,3
Инфратузилма	68 305,0	105283,9	36 978,9
Бошка даромадлар	0,0	0,0	0,0
Жами даромадлар	2 166 958,5	2 428 545,4	261 586,9

Жамиятнинг 2018 йил давомида қабул қилинган соф фойда режаси 304 556,6 минг сўм белгиланган бўлиб, амалда 34 954,3 минг сўм.

- Асосий ажратмалар бўйича –1.5 % пенсия жамғармасига – 32 504,4 минг сўм; 1,4 % йул солиғига – 30 337,4 минг сўм, 0,3 % мактаб фондига – 6 500,9 минг сўм ажратилган.

- ДСИ 50% ли солиқ ажратмаси – 1 048 807,9 минг сўм ажратилган

- 2018 йилга режалаштирилган харажатлар миқдори 744 251,3 минг сўм, амалда 1 248 061,0 минг.сўм, режага нисбатан 503 809,8 минг.сўмга куп.

Жумладан;

Харажатлар	Режа	амалда	фарқи
Иш хақи	424 000,0	443 095,4	19 095,4
25% тўловлар	106 000,0	109 942,3	3 942,3
Сув канализация	24 000,0	28 498,7	4 498,7
Электр қуввати	33 000,0	195 674,8	162 674,8
Дезинфекция харажатлари	6 000,0	6 200,0	200,0
Газ	0,0	12 000,0	12 000,0
Иссиклик энергияси	0,0	0,0	0,0
Телефон, телеграф	3 000,0	1 476,0	-1 524,0
Муниципиал милиция бўлими	0,0	121 896,4	121 896,4
Жорий таъмирлаш	0,0	0,0	0,0
Кечиктирилган харажатлар	0,0	0,0	0,0
Ас.вост.эскириши	61 637,0	60 653,4	-983,6
Банк фоизи хизмати	7 962,0	13 458,2	496,2
Автотухташ йиғими 7 мпз	14 640,6	14 640,6	0,0
Бошқа харажатлар	47 511,7	140 240,6	92 728,9
Жами харажатлар	744 251,3	1 248 061,0	503 809,8

Сабаб;

- Иш хақи +19 095,4 (мехнат таътиллари ва ишдан бўшаганларга компенсация тўланиши ҳисобига)

- 25% тўловлар + 39 42,3 (иш хақи ошиши ҳисобига)

- Сўв ва канализация +4498,7(йил давомида тўлов ставка ошиши ҳисобига)

- Электр қўввати +162674,8(йил давомида тўлов ставка ошиши ҳисобига)

- Махсустраси +83784,7(йил давомида тозалик кунларини ўтказилиши ва байрам ярмаркалари ҳисобига)минг сўм режага нисбатан кўп бажарилиш ҳисобига харажатлар ошиб кетишига сабаб бўлди.

Жамиятнинг 2019 йил 1 январ ҳолатига дебиторлик қарздорлик 1 121 233,70 минг сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг 2019 йил 1 январ ҳолатига кредиторлик қарздорлик 2 404 923,3 минг сўмни ташкил этади.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарорида “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва

қўллаш ҳамда тақдим этилган рақамларга асосан 2018 йил якунлари бўйича олинган СЙК (КПЭ) = 133,6 % ташкил этаётганлиги (режа бўйича 100 % бўлиши керак) боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, юқори даражада деб топилганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2018 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият низомига мувофиқ жамиятни 2018 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг хисоботлари ҳар чоракда эшитилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чоракда берилган хисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва ҳаражатлар сметасида белгиланган ҳаражатлардан ортик ҳаражатга йўл қўймаслик ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, Ўз навбатида Кузатув кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроя орган директоридан талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2019 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2018 йил 23 ноябрида Кузатув кенгаши мажлисида маъқулланди, тасдиқлаш учун 2019 йил 22-июлдаги акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилди. Жамият ижроия органи томонидан барча ҳужжатлар ҳеч қандай тўсиқларсиз Кузатув кенгашига бериб борилди. 2018 йил мобайнида "Навруз дехкон бозори" АЖ Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари қонуни ва жамият низомига мувофиқ ваколоти доирасидаги масалаларни Кузатув кенгаши мажлисида қўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис қатнашчиларига таништириб ўтди.

Шунингдек биринчи масала давомида жамиятнинг барча филиал раҳбарлари сўзга чиқиб мажлис қатнашчиларига бир йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда белгиланган режалар бажарилиши юзасидан ахборот бериб ўтдилар ва жамият томонидан берилган барча топшириқларни бажарганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош хисобчиси Х.Н.Тураев хисобот берди.

Х.Н.Тураев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан “Diplomat-Audit” аудиторлик ташкилоти томонидан 2018 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият тафтиш комиссияси аъзоси маълум сабабларга кура келмаганлиги учун жамият қимматли

коғозлар бўйича мутахассиси З.Т.Бердиева сўзга чикиб, тафтиш комиссия аъзоларининг фикрича ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳмлилиги натижасида «Навруз дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққонийлигини ақс эттириши тўғрисида тафтиш комиссияси хулоса берганлиги тўғрисидаги хулосани ўқиб эшитирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби Х.Н.Тураев берди.

Жамият бош муҳосиби Х.Н.Тураев сўзга чикиб, жамиятни 2018 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

«Навруз дехкон бозори» АЖнинг 2019 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси

Бухгалтерлик баланси: форма № 1 (минг сумда)

№	Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1	Асосий воситалар бошланғич қиймати	1 529 178,0	Устав капитали	650 000,0
2	Эскириш	446 360,0	Захира капитали	241 283,30
3	Асосий воситалар қолдиғи	1 082 818,0	Таксимланмаган фойда, зарар	34 954,06
4	Узоқ муддатли инвестиция	511 768,0	Бюджет бўйича қарзлар	200 581,5
5	Қимматли қоғозлар	507 708,0	Мехнатга ҳақ тўлаш қарзи	2 470,0
6	Ишлаб чиқариш захиралари	8 330,0	Бюджетдан ташқари қарзлар	43 255,0
7	Келгуси давр харажатлари	186 530,0	Солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	0,0
8	Товар-моддий захиралар	8 330,0	Мол етқазиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	46 072,1
9	Пул маблағлари	9 36 558,3	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга	0,0
10	Дебиторлар жами	1 121 233,70		
11	Бошқа жорий активлар	391 274,0		
	Актив бўйича жами	5 830 088	Пассив бўйича жами	1 218 616

Молиявий натижалар: форма № 2

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Хисобот даврида	
	Даромадлар	Харажатлар	Даромадлар	Харажатлар
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган соф тушум	1 314 975,0	х	1 948380,0	х
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг тан нархи	х	0,0	х	0,0
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	1 314975,0	х	1 948380,0	х
Давр харажатлари жами	х	0,0	х	1 226 269,0
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	0	х	496 270,0	0
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	1 314 975,0	0,0	1 218 381,0	0,0
Молиявий фаолиятнинг даромадлари жами	0,0	х	47,0	х
Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	1 314 975,0	0,0	1 218 428,0	0,0
Даромад (фойда) солигини тўлагунга қадар фойда (зарар)	1 314 975,0	0,0	1 218 428,0	0,0
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	х	0,0	х	1 834 474,0
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	1 314 975,0	0,0	34 954,3	0,0

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби Х.Н.Тураев сўзга чикиб, жамиятни 2018 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари хисоб варагини тасдиқлаш хақида қуйидагиларни маълум қилди.

Жамиятнинг 2018 йил давомида қабул қилинган соф фойда режаси 304 556,6 минг сўм белгиланган бўлиб, амалда 34 954,3 минг сўмни ташкил этган.

Жамият бош муҳосиби Х.Н.Тураев 2018 йилда олинган 34 954,3 минг сўм фойдани жамиятнинг моддий техник базасини мустахкамлаштиришга йўналтиришни таклиф этди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги олтинчи масала бўйича сўзни жамият директори О.У.Мустаев ва жамият бош муҳосиби Х.Н.Тураевга берди. О.У.Мустаев сўзга чикиб, жамиятни 2019 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси», ҳамда Х.Н.Тураев сўзга чикиб жамиятнинг 2019 йил “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан тўлиқ таништириб ўтди.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзга чикиб, 2018 йил 17-июлдаги 1093-сонли хатига асосан жамият Кузатув Кенгаши қарорига мувофиқ жамият 2018 йил 9-августда тузилган шартнома асосида ишончли бошқаруви “GRADIENT” хусусий корхонасига топширилган. 2019 йил 11-июндаги қарорига асосан О.У.Мустаевга жамиятни бошқариш, молия ва бошқа банк ҳужжатларига кул куйиш ҳуқуқи берилган.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзга чикиб, жамият акциядорлари сони беш юздан кам бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 5 кишидан иборат бўлишлигини, жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан сўзни мажлис раиси сўзга чикиб, жамиятни 2019 йил учун Тафтиш комиссиясига куйидаги номзодлар Бойсинов Жасур Хасанович, Кучаров Элмурод Бободавлатович, Акбарова Яйра Саидаминовналар номзодлари қўйилганлигини билдириб, тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан жамият қимматли коғозлар бўйича мутахассиси З.Т.Бердиева сўзга чикиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2018 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб баҳоланганлиги, хулоса натижаларига кўра корпоратив бошқаруви бўйича 9-йўналишда -374 “паст” баҳо берилганлиги, фоиз шкала -31% ташкил этганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан сўзни қимматли коғозлар мутахассиси З.Т.Бердиева сўзга чикиб, мажлис катнашчиларига жамиятнинг ташкилий тузилмаси лойиҳасини тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис З.Т.Бердиева сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилганини инобатга олиб, жамият уставини янги тахрирда тайёрланганини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги тахрирдаги Устав лойихаси билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис З.Т.Бердиева сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилганини инобатга олиб, жамиятнинг “Умумий йиғилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келганлигини айтиб, киритилаётган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис З.Т.Бердиева сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилганини инобатга олиб, жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келганлигини айтиб, киритилаётган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан жамият бош мухосиби Х.Н.Тураев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича танлов эълон қилинганлигини ва шунга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. “Iqtidor- Audit - Inform” МЧЖ- 4 500 000 сўм,
2. “Konsauditinform” МЧЖ - 2 500 000 сўм.

Қарор қабул қилади.

1. «Наврўз дехқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 626969 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
2. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «Diplomat -Audit» МЧЖнинг 2019 йил 11-мартдаги аудиторлик ижобий фикр хулосаси инобатга олинсин (ёқлаган 626969 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2018 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 626969 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
4. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 626969 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ)
5. Жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин.
 - 5.1. Жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича 34 954,3 минг.сўм. миқдорда олинган соф фойда жамиятнинг техник базасини мустаҳкамлаштиришга йўналтирилсин. (ёқлаган 626969 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
6. Жамиятнинг 2019 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига “Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш, соф фойда режасини бажариш шарти билан (ёқлаган 626969 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ)
7. Жамият ижроия органи ваколати юридик шахсга ишончли бошқарувга топширилганлиги, ушбу шартномани муддати 2019 йил 8 августгача белгиланганлиги инобатга олинсин. (ёқлаган 626969 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш куриб чиқилсин ва қайта сайлансин:
 - 8.1 Абдулхақов Абдулазиз Ахатович 626969 - овоз
 - 8.2 Ирматов Мурод Абдуқахарович 6269690 - овоз
 - 8.3 Исроилов Абдулазиз Абдусаттарович 626969 - овоз
 - 8.4 Туляганов Фарход Файзуллаевич 626969 - овоз
 - 8.5 Норхўжаев Нозимхужа Абдуқодир угли 626969 - овоз
9. Жамият Тафтиш комиссияси таркиби тасдиқлансин.
 - 9.1 Бойсинов Жасур Хасанович 626969- та овоз
 - 9.2 Акбарова Яйра Саидаминовна 626969- та овоз
 - 9.3 Кучаров Элмурод Бободавлатович 626969-та овоз
10. Жамият “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2018 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -374 “паст” баҳо, фоиз шкала -31% баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида

берилган паст кўрсаткич натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёклаган 626969 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин. (ёклаган 626969 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

12. Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави тасдиқлансин ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсин. (ёклаган 626969 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).


13. Жамиятнинг “Умумий йиғилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (ёклаган 626969– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

14. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (ёклаган 626969– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

15. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “Konsauditinform” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 2 500.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (ёклаган 626969 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).


Баённома имзоланган сана: « _____ » _____ 2019 йил.

Мажлис раиси



Д.И.Ганиев

Мажлис котибаси



З.Т.Бердиева